

---

## ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА 50 МИЛЛИОН СҮМГАЧА БИР МАРТАЛИК СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

2022 йил 20 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 513-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан, Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 50 миллион сүмгача бир марталик субсидия ажратиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Субсидиялар тадбиркорлик субъекти бўлган нодавлат таълим ташкилотларига камида 6 ой қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш шарти билан ажратилади.

Қарорнинг тўла матни (<https://lex.uz/uz/pdfs/6200270>)

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-09-21 12:46:21